ҲОКИМ ИККИ МАРТА ҚАРОР ЧИҚАРДИ

Вилоят прокуратураси шаҳар ҳокимининг бир иш юзасидан иккинчи марта чиқарган ноқонуний қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритди. Савол туғилади: ким ҳақ — шаҳар прокуратурасими ёки вилоят?! Шаҳар прокуратураси нега протест киритмади?

2-бет

КИЧИК МАМЛАКАТНИНГ КАТТА МУАММОЛАРИ

Ҳозирги ҳолатда Сербия учун нима муҳим: Европа Иттифоқи билан ихтилофга бориб бўлса-да, Косовони қўлдан чиқармасликми? Ёки мамлакатнинг азалий орзуси "Европа уйи"га киришни тезлаштиришми? Айни пайтда Воислав Коштуница раҳбарлигидаги ҳукумат олдида бу борадаги "олтин ўрталиқ"ни топиш масаласи кўндаланг турибди.

3-бет

МАХСУС МУҲАРРИР

Ёшликда олинган билим ўқувчилар онгига қуйилган қўрғошиндай ўрнашади. Агар улар дарслик ва дарсдан нотўғри маълумот олсалар, ўша илк таассурот билан умрбод чалғиб юрадилар. Дарсликдаги хатолар туфайли тест синовларида адашган бир йигит йил давомида зир қақшаб елиб-югурди. Лекин йўқотган балларини тиклай олмади, ўқишга киролмади. Бу — маънавий зарар эмасми?

4-бет

O'zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan | Chorshanba kunlari chiqadi | E-mail: hurriyat@mail.ru | № 46 (508) | 2006-yil 22-noyabr

«HURRIYAT»га 2007 йил учун обуна давом этмоқда!

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 августда эълон қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорини талаб даражасида ҳаётга татбиқ эта оляпмизми, деган масала ҳали узоқ вақт долзарблигини йўқотмаса керак.

ЗИЁКОРМИ ЁКИ ЗИЁНКОР?

Айниқса, умумтаълим жараёнида ёшлар тарбиясига қаратилиши зарур бўлган эътиборнинг сустлашуви, диққат марказидан йироқлашуви ачинарли ҳолатларни келтириб чиқариши аён нарса. Айрим мактабларда ўқувчиларга қарорнинг қачон қабул қилинганию номинигина уқтириш билан чекланиш "меъёр"лари мавжуд. Буни ўқувчилар билан дастлабки суҳбатдаёқ англаш мумкин. Ўқувчи навбатдаги қарорнинг қабул қилинган санаси ва номини ёддан бехато айтиб беради. Асосий мазмун-моҳияти, қарордан келиб-чиқиб ёшларнинг ғоявий савиясини нечоғлик юксалгани эса бирмунча мавҳумлигича қолаверади. Муҳими, ўқувчи комиссияга қарорнинг ёки фармоннинг номини айта олса бас. Вақтинчалик, хўжакўрсинга қилинган кампаниявозлик ҳеч қачон хайрли, кутилган натижани бермаган, бермайди ҳам. Боз устига ўқитувчилар орасида ҳали-ҳануз ўз маънавияти ҳақида "хотиржам бош қотирмаганлари" ҳам бор.

Ватан равнақи, комил инсон тарбияси йўлидаги умумий манфаатдорлик, ҳамжиҳатлик, якдиллик, ҳамкорлик нуқтаи назаридан эътибор берсак, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда ота-оналарнинг фарзанд тарбияси, мактабдаги давоматидан вофиқлиги, келажак учун қайғуриш туйғусининг жўш уриш даражаси ҳам муҳим омил эканлиги яққол намоён бўлади. Соҳадаги мавжуд камчиликларни ташқаридан, бошқалардан излаб (кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб), ўзини "етуклар" қаторида ҳис қилувчи тарбия, ахлоқ ҳақида гапира туриб: "...бизнинг даврда бошқача эди, бизлар яхши эдик, бизларга умуман гап йўқ эди..." қабилидаги "порлоқ" хотираларни алжирашдан нарига ўтмайдиган мураббий ёки ота-оналарни бугунги кун талаби даражасидаги тарбиячилар дейишга тил бормайди. Аслида, дунёқараш қотиб қолган, изланмайдиган, ғояси, савияси эскилик (совет) сарқитлари билан ғуборланган кишилар шулар эмасми? Ана шундай кайфиятдаги бир "тарбиячи"нинг эътироф этишича, "ҳозир замон шунақа" эмиш.

Чамаси, бу ўринда ОАВнинг таъсир кучини-да назардан қочирмаслик ўринли. Таассуфки, "эркинлик", "демократия" ниқоби остида фаолият юритаётган "рангли матбуот" ҳамда "сержило телеканаллар", телетармоқлар, енгил қилиб айтганда, "бебошликнинг" энг юқори чўққисига чиқиб олди ва уларга "тил текизиш" "глобаллашув" аталмиш "мезон"га, ғарбона демократияга зид амал ўлароқ талқин қилинадиган бўлди. Наманганлик ёзувчи Абдулла Жаббор бир мақоласида "телеканализация" атамасини ихтиро қилиб қўллаган. Аниқроғи, кўпчиликнинг (зиёлиларнинг) дилидаги гапни, номни жуда ўринли ифода этган. Ўша телеканализация тармоғидан барчага, омманинг маънавиятига қуйилиб келаётган ғоя ҳам номига, тармоғига яраша. Масалан, телеканал ўн соат сермазмун кўрсатув, куй, қўшиқ ва ҳакозаларни намойиш этса-ю, кейин "давр талаби"даги "ҳалигинақа" мазмунли, очиқ-сочиқ, "бемаза" кўрсатувга бир соатгина ўрин берса, шуни ўзи аввалги ижобийларини ювиб кетишга етарлидир.

Телеканализациядан жадал оқиб келаётган "оқим-озуқа"ни тўхтатиш, қатъий таъқиқлаб, "жўмрак"ни бураш фурсати етмадимикин?

Бизга иқтисодий тараққиёт, фаровонлик, юрт ободлиги, эркинлик, демократия ҳам керак ва зарур. Аммо жамиятда ҳар хил маънавий зуғумни, фаҳшни очиқ-ойдин тарғиб этаётганларни бир оғиз "глобаллашув" деганча оқлаб, томошабин бўлиб тураверамизми? Юқорида таъкидлаб ўтилганидек соҳага доир Юртбошимизнинг алоҳида қарорлари чиқди. Айтмоқчиманки, ҳар хил ниқобда юртимизга балои азимдек ёпирилиб келаётган "каналdocumentация" тармоқларига узилкесил чоралар кўриш керак. Ва, албатта, таъқиқлаш шарт. Кўриб-билиб турибмиз ён атрофдаги, қўшнидаги "демократик" манзараларни. Тинчлигимизга, халқимизнинг юксак маънавиятига рахна солиб бузғунчилик ишларига бел боғлаган кўнгли маразга тўла ғанимларнинг мақсади тайин. Уларнинг "ташриф"и маънавиятимизни, маърифатимизни кўпориб ташлаш усул ва ниқоблари ҳам турфа.

ОИТСга қарши курашда аҳолини "огоҳликка", "зиёга чорлаш" мақсадида семинар-тренингда иштирок этган бир танишим таассуротларини ўртоқлашди. Қўлида рангли, кўргазмали "открытка". Унда презервативдан қандай фойдаланиш йўриқлари кўрсатиб қўйилибди. Ушбу семинар-тренинг талабалар ҳузурида ўтказилибди. "Жинсий тарбия"да "анча илғорлаб кетган" чет эллик "устоз" ОИТСга қарши кураш воситаси деб презервативни роса тарғиб қилибди ёшларга. Муҳими, ОИТС юқмаса бўлгани эмиш. "Ё, алҳазар!" дейман таассуротларни тинглаб, ахир бу жамиятда зинюю фаҳш ишларга очиқ тарғиб қилиш-ку?! Ҳолбуки, "Маймун касали" номи билан эътироф этилган ана шу бало — ОИТСнинг келиб чиқиши тарихининг ўзида бир олам ахлоқий бузуқлик мужассам: африкалик айрим кимсалар маймун билан кўнгилхушлик қилганининг самараси. Энди ўйлаб кўринг: маънавий бузуқлик зино ортидан юзага келган бедаво дардни бошқа бузғунчилик — презерватив воситасидаги алоқа билан бартараф этиб бўладими? Қани, зино — бу гуноҳ, фаҳш ишлар — ёмонликнинг онаси, деган тушунчаю маънавият? Хуллас, семинар-тренингдан олинган якуний хулоса шу: презервативинг борми, хоҳлаганингни қилавер. "Глобаллашув" дегани шунақа бўларкан-да, энсаси қотади кишининг.

Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳам бошқа семинар-тренингда иштирок этиб "малака оширибди". Унинг таассуротлари янада "қувончли". Беш маҳал овқат билан сийлагани, меҳмондорчилик қуюқ бўлганини, совғалар ҳадя этилганини мароқ билан ҳикоя қилади у. Булар моддий рағбатлар, маънавийси эса ундан-да "қуюқ" ва зиёда. Яъни жинсий тарбияда биз (шарқликлар – М. М) анча орқада қолган эканмиз, ўша директор ўринбосари (маънавиятчи)нинг семинардан кейинги мулоҳазасига кўра шундай. Ота-она ўз фарзанди олдида бемалол ечиниб-кийиниши жоиз ва шарт экан. Шундагина болада аллақандай психологик кўникма пайдо бўлиб, "жинсий тарбия"си юксалар эмиш.

(Давоми 2-бетда).

Таълим

Кўп ўтмай японларда рўй бергани сингари бизда ҳам "Ўзбек мўъжизаси" содир бўлса ажаб эмас. "Мўъжиза" яратувчилар, албатта, бугунги талаба ука-сингилларимиз бўлади. Бундай келажакни орзулашимиз Республикамизда таълим-тарбия борасида кенг кўламдаги ишларнинг амалга оширилаётганлиги боисидандир. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида ҳам маориф тизимида қилинаётган ишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган ижобий ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда. Бу ҳақда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ***Муродулло ХОЛМУҲАММЕДОВ*** *махсус мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:*

КАСБ ТАНЛАШДА МУАММО ЙЎҚ



— Янги ўқув йилида вилоятимизнинг чекка туманларида 14 та коллеж қурилиб, 4 та коллеж реконструкция қилиниб ишга туширилди. Айни пайтда асосий эътибор фойдаланишга топширилган таълим муассасаларида таълим-тарбиянинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш, ўқитувчи ва раҳбар кадрларни тизимнинг ўзига хос жиҳатлари билан тўлиқ таништириш, ўқиш-ўқитиш жараёнини мувофиқлаштириш ва қатъий тартиб-интизом ўрнатишга қаратилган. Шу мақсадда таълим муассасаси раҳбарлари иштирокида илмий-амалий семинарлар ташкил этиляпти. Зарур бўлган чоғда етук мутахассислардан иборат гуруҳ аъзолари муассасанинг ўзида бўлиб, ўқув-услубий жараённи замон талаблари даражасида йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Янги ўқув йилидан эътиборан бошқарма тизимида 93 та касб-ҳунар коллежи, 11 та академик лицей фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур тизимда 5993 нафардан иборат педагог ва педагог-муҳандислар шулар қаторида 8 нафар фан доктори, 143 нафар фан номзодлари, 91478 нафар ўқувчи ёшларга таълим бермоқда. Таълим даргоҳларида самарали меҳнат қилиб келаётган фидоий педагоглардан 270 нафари Давлат мукофоти, "Таълим аълочиси", "Махсус таълим фидойиси" ва бошқармаининг "Фидойи мураббий" каби бир қатор кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Ўтган йил 662 нафар, жорий йилда эса 1075 нафар ўқувчилар олий ўқув юртларининг талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлишди. Шу йили 15547 нафар битирувчидан 10767 нафари ишга жойлаштирилди. Булардан ташқари илмий изланишлар натижасида жами 200 га яқин дарслик, услубий қўлланма, ўқув қўлланма ва унинг электрон версиялари, ўқув дастури ишлаб чиқилди. 20 номда услубий тавсия, 100 номда 1500 дан зиёд компакт-диск, 24 та ўқув фильми кўпайтирилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жорий йилда 16380 дона ўқув адабиёти ва дарслик яратилганлиги ёш авлод учун қулайлик десам хато қилмаган бўламан. Яна бир қувончли ҳол шундан иборатки, 2007 йилда 26 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 2 та академик лицей қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Вилоятда иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантириш ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини талаб даражасида ташкил этилиши натижасида вилоят, Республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида иштирок этган ғолиб ўқувчилар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Вилоят босқичида ўтказилган олимпиадада СамДЧТИ ва СамДУ академик лицейидан, СамИСИ ва СамДАҚИ лицей-интернатидан, "Сартепо туризм", "Молия-иқтисодиёт", "Иштихон қурилиш ва коммунал хўжалик" коллежларидан 13 нафар ғолиб ўқувчилар Республика босқичида иштирок этиб, улардан 4 нафари юқори ўринни қўлга киритди. СамДУ 1-сон академик лицейининг иқтидорли ўқувчиси Ориф Мелиев Испаниянинг Саламанка шаҳрида бўлиб ўтган физика фанидан, СамҚҲИ қошидаги лицей-интернати ўқувчиси Жамшид Расулов математика фанидан Мексиканинг Мерида шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиш учун йўлланмага сазовор бўлдилар. Халқаро маданият фонди томонидан Москва шаҳрида бўлиб ўтган, "Янги номлар" ижодий мактаби танловида "Санъат" коллежидан 2 нафар ўқувчи иштирок этиб, юқори ўринни эгаллади.

(Давоми 2-бетда).

Мактуб

ҲОКИМ ИККИ МАРТА ҚАРОР ЧИҚАРДИ

Лекин прокуратура унинг биринчисини ҳам, иккинчисини ҳам бекор қилиш ҳақида протест келтирди. Нега ва нима учун?

Мен "Hurriyat"га аввал ҳам, аниқроғи, 2005 йилнинг ноябрь ойида мурожаат қилган эдим. Ўшанда Фарғона шаҳар ҳокими А. Эргашевнинг ноқонуний чиқарган қарорлари оқибатида азият чекаётганимизни билдирган эдим. Ноқонуний деяётганимга бир қанча асослар бор. Агар имкон берсангизлар, уларни батафсил айтиб ўтсам. Хулосани эса кейин ҳаммамиз биргаликда чиқарамиз. Фарғона шаҳар ҳокимлиги турмуш ўртоғим М. Назированинг хусусий мулки бўлган Фарғона — Шоҳимардон йўли чорраҳасида жойлашган Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 276-уйнинг 3- ва 4-хонадонларини бизнинг розилигимизсиз уйимизнинг яқинида жойлашган терини қайта ишлаш билан шуғулланувчи "Тараққиёт-2001" хусусий фирмаси раҳбари Тўланбой (Иброҳим) Мусаевга "Автокемпинг" қуриши учун (19.09.2005 йили) қарор чиқаради.

Уйимиз "Мустақиллик кўчаси 276-уйнинг 3- ва 4-хонадони" деб юритилишининг боиси шундаки, шаҳар ҳокимининг 2000 йилги қарори билан режа асосида қўшимча 8 та хона қурганмиз. Ва бунинг учун болаларимизнинг ризқидан қийиб бўлса ҳам анчагина пул сарфладик. Қурилишимизнинг 90 фоизи битган, лекин ҳокимнинг ноқонуний чиқарган қарорлари оқибатида икки йилдан бери бирорта иш қилолмаяпмиз.

Ва ниҳоят ҳокимнинг қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритиш учун 2005 йил 6 октябрь куни вилоят ва шаҳар прокурорига мурожаат қилдим. Бу орада Т. Мусаевнинг укаси Ҳамид бизга телефон воситасида босим ўтказишга ҳаракат қилди. Шундан кейин ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари номига ариза ёзиб, уйимга, фарзандларимга Т. Мусаев ва унинг қариндошлари томонидан бўлаётган реал хавфдан ҳимоя қилишни сўрадим. Лекин ҳеч ким аризам юзасидан текшириш ўтказмади, ақалли Т. Мусаевни чақириб ёзма равишда бўлса ҳам огоҳлантирмади. Энди эса 2006 йилнинг май ойидан бошлаб электр симларини узиб қўйиб асабимизга тегяпти.

Қаттиқ саъй-ҳаракатларимиздан кейин шаҳар прокуратураси 2005 йил 17 октябрь куни шаҳар ҳокимининг қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритди. Ушбу протестга асосан шаҳар ҳокимининг 490-сонли қарори бекор қилинди.

Бунга қадар биз шаҳар ҳокимининг қарорини бекор қилиш ва етказган маънавий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилган эдик.

Даъво аризамиз бўйича ишни 2005 йил 10 ноябрь куни шаҳар фуқаролик суди кўриб чиқди. Ишда М. Назирова ва каминанинг вакили Д. Нурматовалар қатнашишган, холос. Судья М. Назирова ва Д. Нурматовадан бир оғиз ҳам гап сўрамасдан шаҳар прокурорининг протестига асосан шаҳар ҳокимининг қарори бекор қилинганлиги учун иш ёпилади деб, маънавий зарар қисмини муҳокама қилмасдан қолдириб юборади. Ўшанда Т. Мусаев билан илк бор юзма-юз кўришишга мушарраф бўлдим. Энг қизиғи, у менга таниш бўлиб чиқди. У ўшанда менинг олдимга келиб: "Мени бошқалар йўлдан уришди", деб кечирим сўради. Биз унинг бу гапларига ишониб маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризадан воз кечдик. Шундан кейин Т. Мусаев мен билан учрашиб: "Асқаржон, мен сизни рози қилиб, кейин уйингизни сотиб оламан. Агар сизни рози қилмасдан олсам, бу жойлар набираларимга ҳам буюрмайди. Бу жойларни олгунимча 20.000 долларим кетди", деб айтди. У қачон таклиф қилса, кейин келишармиз, деган алдовларига ишониб индамасдан юрганимизда уйимизни буздиртириш ҳақида Фарғона шаҳар ҳокимининг 2006 йил 11 апрель куни иккинчи маротаба 178-сонли қарорини чиқартириб олади. Шаҳар ҳокими бу гал ўз қарорига Мустақиллик кўчаси 278-уйдаги 4 та хонадон ва 276-уйнинг 2 та хонадони эгаларининг розилигини асос қилиб олади. Бизнинг розилигимизни сўраб ҳам ўтиришмайди. Ва яна Фарғона шаҳар "Ермулккадастр" хизматининг 2005 йил 13 сентябрь кунги маълумотномаси қалбакилаштирилиб, Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 276-уй 4-хонадон Л. Вафинага тегишли деб кўрсатилади. Аслида эса бу хонадон Фарғона шаҳар "Ермулккадастр" хизматининг 2005 йил 28 январдаги ГУВОҲНОМАСИга асосан А. Абдураҳмонов, яъни менга тегишли эди.

(Давоми 2-бетда).

"Афсуски, бугун бу ерда келтирилган мисоллар бунинг аксини кўрсатмоқда. Яъни турли раҳбарлик вазифасида ўтирганлар одамларнинг ҳаётий интилишларига, дарду ташвишларига совуққонлик билан қараб, қўл-оёғимизни ипсиз боғлаб турган эски қолиплардан чиқиб кетиш учун етарли ҳаракат қилмаяпти".

(Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан)

Баҳромжон КАЛОНОВ чизган

Тадбир

БАРҚАРОРЛИК БАҒРИКЕНГЛИКДАН БОШЛАНАДИ

1996 йили ЮНЕСКО бош анжуманида "Бағрикенглик декларацияси" қабул қилинган эди. 1997 йил 16 ноябрда эса БМТ қарори бўйича бутун дунёда Халқаро бағрикенглик куни қайд этилди. Шу даврларда бир қанча халқаро пакт ва декларацияларда қабул қилинган қарорларга кўра, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ташкил этилди. Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўзида миллий институтлар тизимини ишлаб чиқди. Натижада Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази, Амалдаги қонунларни мониторинг қилиш институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази каби ташкилотлар вужудга келди. Шулардан бири Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг ташкил этилганлигининг 10 йиллиги ва Халқаро бағрикенглик кунига бағишланиб мазкур марказда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — миллатлар ва динлараро тотувликнинг ҳуқуқий асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, бағрикенглик ҳам инсонийлик, ҳам сиёсат нуқтаи назардан муҳим тамойилдир. Бу Конституциямизнинг 18-моддасида ҳам мустаҳкамланиб қўйилган. Умуман олганда, бошқа миллат вакилларига нисбатан бағрикенг бўлиш ўзбек халқи маданияти ва минталитетининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қилади. Ислом мамлакатимизда анъанавий дин ҳисобланиши билан бирга, 15 та диний конфессия фаолият кўрсатмоқда. Бошқа дин вакилларига ҳам қонун доирасида тенг шароит яратиб берилган.

Тадбирнинг иккинчи қисмида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Юнусованинг "Диний сабр-тоқатлилик миллий хавфсизлик ва халқаро барқарорликнинг асоси" деб номланган маърузаси тингланди ва "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори ўринбосари О. Отамирзаев томонидан **"Кўп миллатли Ўзбекистон"** социологик тадқиқот натижалари эълон қилинди. Сўровномада республикамиздаги барча шаҳар ва қишлоқларидан 2000 та респондент қатнашган. Натижаларга кўра, юртимизда миллатлараро бағрикенгликни шу ерда истиқомат қилувчи ўзбеклардан 28, қозоқлардан 27, тожиклардан 18 фоизи жуда яхши деб ҳисоблайди. Миллати ва динига эътиборни 51,3 фоиз одам яхши, 2 фоиз одам ёмон деб билади. **"Сизга фуқаролик муҳимми ёки миллат?"** деган саволга 26,2 фоиз одам фуқаролик, 23,1 фоиз одам миллат, 48,8 фоиз одам иккиси ҳам муҳим деб жавоб берган. Ўзбеклардан эса 29,7 фоиз одам миллатни, 18,5 фоиз одам фуқароликни танлаган.

Дурдона АЛИМОВА

ЗИЁКОРМИ ЁКИ ЗИЁНКОР?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай тарбиянинг номи "Дикий дом" (Ёввойи уй) деб номланар экан. Яна бир бор, ё алҳазар! Бундайин "зиёкорлар"нинг зиёнкорлардан фарқи борми? Чет эллик ажнабийнинг Шарқда ахлоқ-одоб, маънавиятдан сабоқ бериши, қандай яшашни ўргатиши — семинар-тренинг ўтказиши — ювуқсиз, кўчабезори боланинг нуроний мутафаккир алломага танбеҳ бериши кабидир.

Газетада ўқигандим, она ўзининг тўрт ёшли ўғли билан ҳаммомга киради. Ўғил онанинг баданини эҳтирос ила силаб кўради. Шундан она хулоса қилиб психологга мурожаат қилади: тўрт ёшли болада ҳам эрлик майллари пайдо бўладими, деган мазмунда. Ишонасизми, "психолог" деганлари (профессор)нинг айтмаган тавсиясию алламбало нормалари — ҳамма-ҳаммаси таъкидлаб ўтилган жавобда. Бироқ бир оғизгина лўнда қилиб: «Бундан буён ўғил билан ҳаммомга кирма, уни маънавий жиҳатдан буткул бузасан», деган таъқиқ умуман йўқ.

Ҳа, таъқиқ ёки эътироз, ўрни келганда болага танбеҳ бериш, уриш деган тушунчалар кейинги вақтда унутилди, лоақал тарбиядаги "қусур" деб эътироф этиладиган бўлди. Буни, ҳатто, афсуски, "психолог"лар ёқлаб чиқади. "Оддий ҳақиқат"ларда иштирок этган Маҳмуджон Йўлдошев ўз илмидан келиб чиқиб болани уриш, жисмоний жазо мутлақо ноўринлигини ҳимоя қилди. Кўрсатув бошланишида 17-18 фоиз иштирокчи психологни ёқлаган бўлса, кўрсатув сўнггида сўров натижаси 35 фоизни ташкил этди. Демак, ўрни келганда зарур бўлса, болага қаттиққўллик қилиш ҳам шарт! Чунки "психология" фани шуниям унутмасинки, инсонда, чақалоқда, болада, ўсмирда ҳақалак отувчи, уни тизгинланмаса, у ўз соҳибини тизгинлаб олиб, муқаррар ҳалокатга элтувчи нафс деган ўпқон бор. "Урса эти қотар, сўкса бети қотар" ибораси эса "Кўп урса эти қотар, кўп сўкса бети қотар" маъносида айтилган. Демак, болани сурункасига уриб-сўкиш ноўрин, тарбиядаги адашиш бўлганидек, умуман урмаслик-сўкмаслик ҳам улкан хатодир. Оқибати кейин маълум бўлади. Психолог эса умуман "қўл теккизмасликни" қатъий ёқлаб, исботламоқчи бўлди. Хуллас, бола, шахс, инсон жамиятда масъулият (ҳадиксираш туйғуси)ни унутворадиган бўлса, ўша ўринда бошбошдоқлик ёки юқорида айтилганидек "ҳақалак отиш" синдроми урчиб кетади. Энди бу "эркинлик" эмас-да!!! Инсон ҳуқуқи ҳам эмас! Шунчаки парокандалик, холос. Ташқи душманларимиз эса ана шу парокандалик механизмини жадаллаштириш пайида бўлишади.

Тумандаги ўқув муассасасида содир этилган разиллик кўпчиликни қалбини ларзага солди: саккизинчи синф ўқувчиси тенгдошлари билан "қўшилиб" улардан йигирма еттитасига таносил касаллигини юқтирган.

Бошқа вилоятдаги таълим муассасаси ўқитувчиси бир нечта ўқувчилари билан "яқиндан мулоқот қилган". "Шогирд"лардан иккитаси "устози"дан фарзанд кутяпти.

Юқоридаги тафсилот "эркин сариқ матбуот" саҳифаларидаги мақоладан олинган иқтибос эмас, эндиликда ҳаётдаги воқеликдир.

Яна илатнинг илдизини қидирамиз. Буни маънавий бузуқлик деймизми, бунда барча фисқу фасодлар мужассам. Кейинги вақтда бузуқлик йўлига кирганларни қандайдир иқтисодий, моддий етишмовчиликлар боис, деган рўкач билан оқлагандай бўлдик. Ҳатто бу ўринда ишсизликниям рўкач қилиб кўрсатилди. Машъум воқеадан келиб чиқиб шундай саволни ўртага қўйсак: енгилроқ қилиб айтганда, бузуқликни содир этган ёшларга нима етишмаяпти? Бизнингча, 8-синф ўқувчиси моддий муҳтожлик ёки тирикчилик боис шу йўлга кирмагани аниқ. Ўқувчилар билан "кўнгилхушлик" қилган ўқитувчининг хаёлида нималар ғужғон ўйнади экан? Йўқ! Ҳаммаси бевосита маънавиятга дахлдор муаммолар, кайфият, аниқроқ қилиб айтганда, жазодан омондалик туйғусининг устунлигидир?

Танфурушлик қилиб яшаётган бир аёлнинг "маънавияти" эса бундоқ экан: "Шу ишим учун солинадиган жаримани мен астойдил бўлсам, ярим соатда ишлаб топаман".

Ана энди бу кайфиятдаги аёлга рисоладаги иш ўрнини тайинлаб, ишга жойласа-да, у барибир қунт қилиб маошга ишламайди. Ҳа, маоши юқори бўлсаям аҳвол шу!

Чунки ҳақалак отиб, ўпқону аждарга айланган ўта бақувват "нафсу шайтони" унинг маънавият дунёсини аллақачон маҳв этиб бўлган. Муаммоларнинг "сардори" ана шунда!

Муҳиддин МИРЗААҲМАД

ҲОКИМ ИККИ МАРТА ҚАРОР ЧИҚАРДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шаҳар ҳокимининг ноқонуний қарорини иккинчи марта чиқартириб олган Т. Мусаев 2006 йил май ойининг бошларида бизларни "қисиш" мақсадида 276-уйнинг 1- ва 2-хонадонлари томини бутқул, бизга тегишли бўлган 3- ва 4-хонадонлар томининг бир қисмини бузиб, симёғочдан умумий фойдаланиш учун илгаридан тортилган электр симини узиб ташлайди. Мен Т. Мусаевнинг олдига бориб, электр симини улатиб қўйишини, бу билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабларини қўпол равишда бузаётганлигини айтдим. У: «Майли, улатиб бераман», деди. Лекин шу кунгача гапининг устидан чиқмай келяпти.

Фарғона шаҳар ҳокимининг иккинчи марта чиқарган қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритишни сўраб шу йилнинг 15 майида Фарғона шаҳар прокурорига мурожаат қилдик. Лекин аризамизни шаҳар прокуратураси негадир бир ойдан ошиб кетса ҳам ҳал қилиб бермади. Биз ана шундан кейин норози бўлиб вилоят прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Ва вилоят прокуратураси шаҳар ҳокимининг бир иш юзасидан иккинчи марта чиқарган ноқонуний қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритди. Савол туғилади: ким ҳақ — шаҳар прокуратурасими ёки вилоят?! Шаҳар прокуратураси нега протест киритмади?

Ушбу протестга асосан шаҳар ҳокими 2006 йил 11 апрелда чиқарган қарорини 2006 йил 12 июлда бекор қилди. Мазкур қарорнинг 5-бандида: "Мустақиллик кўчаси 276-уй 3-хонадон мулк эгасининг конунда белгиланган тартибда ёзма розилигини олиш ва келишилган ҳолда бузиш "Тараққиёт-2001" зиммасига юклатилган", деб ёзилган. Лекин Мустақиллик кўчаси 276-уй 4-хонадон тўғрисида ҳеч нима ёзилмаган. Бу билан иккита мақсад кўзда тутилган. Биринчидан, менинг мулким ҳисобланган 276-уй 4-хонадонни Т. Мусаев томонидан бузишга йўл очиб берилади, иккинчидан, Т. Мусаев уйнинг олдинги эгаси Л. Вафинани топиб «Бу уйни М. Назирова мени алдаб бепулга олиб қўйган», деб прокуратура ва судга ариза ёзсанг, катта миқдорда пул бераман», деб қўндиришига замин яратилган. Чунки мана шу гапларимнинг тасдиғи ҳозирги бўлаётган ишларда яққол кўриниб турибди.

Яна бир ҳолат: шаҳар прокуратураси М. Назировага нисбатан уни бирор марта чақирмасдан ёки тушунтириш хати олмасдан фақат Л. Вафинанинг аризасига асосан жиноят иши қўзғатади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 334-моддаси 2-қисмида "Келиб тушган хабарда фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, оилавий ёки бошқа ҳуқуқлари бузилганлиги... фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўриқланадиган қонуний манфаатлари бузилганлиги кўзга ташланса, унда ишни қўзғатишни рад қилиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларга судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим", деб белгиланган бўлса-да, шаҳар прокуратураси биз билан Л. Вафина ўртасидаги низо фуқаролик судининг иш юритувига тааллуқли эканлигини била туриб жиноят иши қўзғатганлигининг ўзи ҳам бизга нисбатан адоват борлигидан далолат беради. Орадан 50 кун ўтганидан кейин, аниқроғи, жорий йилнинг 7 ноябрида вилоят фуқаролик судида Л. Вафина билан судлашаётган вақтимизда унинг адвокати Қорабоев деган шахс шаҳар прокуратураси қарорини судга тақдим қилди.

Шу ўринда савол туғилади: Фуқаролик судига тааллуқли бўлган иш юзасидан М. Назировага нисбатан жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги бу қарор Л. Вафина учун Т. Мусаев томонидан ёлланган адвокат Қорабоевнинг қўлига қандай келиб қолди? Ҳолбуки бу қарор адвокатга бериладиган ҳужжат эмас: уни берган мансабдор шахс ҳам, олган ҳам қонун олдида жавоб бериши керак. Бундан ташқари М. Назировадан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги нима учун 50 кунгача яширилди? Чунки суднинг бизни зараримизга чиқарадиган "олдиндан буюртирилган" қарорини кутиб туришибди. Суд биз талаб қилганимиздан кейин қарорни ўқиб эшиттирди. Лекин суд қарама-қарши томоннинг вакили — адвокат Қорабоевдан ушбу қарорни қаердан, кимдан, қандай қонуний асосларга кўра олганлигини сўрамади. Аслида эса адвокат Қорабоев прокурорнинг ёзма рухсатисиз М. Назировага нисбатан жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарорни ошкор қилиши билан Жиноят Кодексининг 239-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун Фуқаролик Процессуал Кодексининг 19-моддаси 2-қисмига асосан вилоят прокурорига хабар қилиш ҳақида ажрим чиқарилиши керак эди.

Яна бир ҳайратланарли ҳолат шундаки, 2006 йил августда Т. Мусаевни бизга тегишли уй тоғининг бир қисмини бузганлиги, умумий фойдаланишдаги электр симини узиб ташлаганлиги учун етказган зарарни қоплаш учун фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилган эдик. Лекин фуқаролик иши 4 ойдан бери номаълум сабабларга кўра кўрилмаётганига ҳамон ақлимиз етмаяпти.

Бундан ташқари 2006 йил июль ойида Фарғона шаҳар ҳокимига ариза билан мурожаат қилиб, Мустақиллик кўчасидаги 276-уй 3- ва 4-хонадонларни бузиб, унинг ўрнига икки қаватли замонавий типда уй қуришимиз учун архитектурадан ҳужжатларни расмийлаштириб, қарор чиқариб беришини сўраган эдик. Бу аризамиз ҳам 4 ойдан бери ҳал қилинмаяпти. Ҳолбуки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида "Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади", деб белгиланган.

Энди Л. Вафина билан бўлиб ўтган воқеалар хусусида тўхталмоқчиман. Унинг ўғли Р. Вафин судда: «М. Назирова бизнинг уйимизни харидор топиб сотиб бераман, деб алдаб ишончнома олган ва А. Абдурахмоновга сотиб юборган», деб даъво қилмоқда. Унинг ёлғон гувоҳлик бераётганлиги шундаки, Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 276-уйнинг 3- ва 4-хонадонлари бир том остида бўлиб, ҳовлиси 3-хонадонга М. Назировага қадар хусусийлаштирилган эди. Мантиқий нуқтаи назардан қаралганда, биринчидан М. Назирова уй олди-сотдиси билан шуғулланмайди, иккинчидан М. Назирова 2 хонали уйни бошқа одамга сотиб бераман деб бегона қилиши шартмиди? Аслида Л. Вафина М. Назировага ялиниб: «Уйимизда яшашга шароит йўқ, иссиқ сув, ҳаммом йўқ.Бизлар виза очтириб олсак, чет давлатга кетамиз. Бу уйни Сиздан бошқа ҳеч ким олмайди», деб илтимос қилган. Л. Вафина уйи эвазига олган 1.500.000 сўмдан давлат божи тўлашдан қочиб, нотариусдан уйни ўзи истаган шарт ва нархда сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномани М. Назировага расмийлаштириб берган. Л. Вафина М. Назировага бераётган ишончномасини нотариусда расмийлаштираётган вақтда ўғлининг паспорти ёнида бўлмаган. Ва шу сабабли у онаси М. Назировага бераётган ишончномага розилик хатини беролмаган.

Эътибор беринг, агар Л. Вафина М. Назировадан уй учун пул олмаганда эди, М. Назировага икки дунёда ҳам ишончнома бермаган, ўғли эса орадан икки ой ўтганидан кейин, аниқроғи, 2004 йил 29 апрель куни нотариусга ўз ихтиёри билан бориб розилик хатини имзоламаган бўларди. Аксинча Л. Вафина М. Назировани алдаган, яъни бир марта ишончнома орқали М. Назировага сотган уйини иккинчи марта бошқа харидорга пуллаб, чет элга кетиб қолиш пайида бўлган. Ва шунинг учун М. Назировани ишончнома орқали уйини сотиб олишга кўндирган. М. Назирова эса унинг нияти холис эмаслигидан бехабар ҳолда илтимосини бажарган. Ҳозирда эса Л. Вафина ўйлаган харидор чиқди: у — Т. Мусаев. Л. Вафина энди олдиндан режалаштирган фирибгарликни Т. Мусаевнинг кўмаги билан амалга оширмоқда.

Бундан ташқари 2003 йил Л. Вафина Исроилда юрган вақтида дарвоза калити ўзида бўлганлигидан фойдаланган Р. Вафин бир гуруҳ ҳамтовоқлари билан бизга тегишли 300 000 сўмлик миқдордаги қурилиш материалларини йўқлигимиздан фойдаланиб ўғирлаб чиқиб кетган ва сотган. Шунда ҳам жабрланувчи М. Назирова уни кечирган ва Фарғона шаҳар жиноят ишлари бўйича судида ярашув билан жиноят иши тугатилган. Зеро, ана шундан ҳам уларнинг кимлигига бемалол баҳо берса бўлади.

Л. Вафина турмуш ўртоғим М. Назировадан Мустақиллик кўчасидаги 276-уй 4-хонадонда Исроилга кетгунига қадар рўйхатда туришга рухсат сўраган. Чунки М. Назирова вақтинча фойдаланиш учун бериб турган Пушкин кўчаси 60-уй 18-хонадонга Л. Вафинанинг рўйхатга туришга қонуний ҳақи йўқ эди. Шунинг учун ҳам ўғли Риф билан Исроилга кўчиб кетиш ҳақидаги сўзларига ишонган турмуш ўртоғим ва мен уни ўғли билан Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 276-уй 4-хонадондан рўйхатдан чиқаришга ҳаракат қилмадик. Очиғи, уларнинг оқибатда бундай фирибгарлик йўлига ўтиши хаёлимизнинг кўчасига кирмаган ва шунинг учун уларни вақтинча рўйхатда туришига қаршилик қилмаганмиз.

Такрор бўлса ҳам яна айтмоқчиман, ҳар қандай ақли расо одам бошқа бегона шахсга ўзининг номидаги уй-жойни хусусийлаштириш ва кейинчалик уни ўзи истаган нарх ва шартларда сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномани текинга бермаслиги кундек равшан-ку...

М. Назирова аввало ишониб, илтимосига йўқ демасдан Фарғона шаҳар Пушкин кўчаси 60-уй 18-хонадонни 2003 йил 26 декабрь куни уларга вақтинчалик яшаш учун бериб қўйган. Гувоҳлар — У. Қурбонова ва Ҳ. Қодирова иштирокида Риф Вафин М. Назировадан уйни қабул қилиб олганлиги ҳақида ҳужжат тузилган. Ҳужжатга Риф Вафин ва гувоҳлар имзо қўйиб тасдиқлашган. Мазкур хонадон 2004 йил 16 февраль куни нотариал тасдиқланган ишончномага асосан М. Назировага тегишлидир.

Л. Вафина ўғли билан уч йилдан бери ана шу хонадонда ноқонуний яшаяпти.

Бу уйимизни текинга олиб қўйишни мақсад қилган Т. Мусаевнинг охирги имконияти. Унинг яна нималарни ўйлаб топиши ва қандай нуфузли идоралар ҳамда уларнинг раҳбарларини бунга шерик қилиши ёлғиз Яратганга аён...

Асқарали АБДУРАҲМОНОВ

Барча каламкашлар диққатига:

«Xabar» газетаси танлов эълон қилади!

БЎЛАЖАК КИТОБНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАЙЛИК!

КАБУТАРДАН — САМОВИЙ АЛОҚАГАЧА!

Ҳар қайси соҳанинг дунёга келиш, ривожланиш тарихи бўлганидек, алоқа тизими ҳам минг-минг йиллик ўтмишга эга. Инсоният, жамият пайдо бўлибдики, одамлар, қавмлар, давлатлар турли воситалар орқали бир-бирлари билан ўзаро алоқа ўрнатганлар.

Бир замонлар оддий кабутарлардан бошланган алоқа бугунги самовий алоқа воситалари — телефон ёки электрон почта даражасига етиб келгунича, эҳ-ҳе, қанча-қанча мураккаб жараёнларга гувоҳ бўлган! Аммо, эътибор қилсангиз, ҳамма даврларда ҳам ҳаёт учун энг зарур бўлган алоқа ва алоқачилар ҳақидаги тасаввуримиз унчалик бой эмас. Масалан, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур мағрибдан машриққача бўлган давлатларнинг кўпчилиги билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Лекин ўша замонда алоқанинг айнан қандай воситаларидан фойдаланилган, алоқа тизими, алоқачилар фаолияти қандай эди? Ёки Ҳиндистондай ўлкада 200 йилдан зиёд ҳукмронлик қилган Бобурийлар замонида алоқа қандай бўлган? Қадим Туркистонда, Турон заминда-чи? Хоразмшоҳлар, қўйинг-чи, Бухоро ёки Қўқон хонликлари давридаги почта ва алоқа тизимлари ҳақида нималарни биламиз? Ҳатто, ўтган асрда шўролар қатағонига дучор бўлган юз-юзлаб алоқа ходимларининг фожиали тақдири ҳам кўпчилигимиз учун ҳалиҳануз қоронғу ва номаълум.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизимисиз ҳаётимизни, тараққиётимизни тасаввур қилиб бўлмайдиган бугунги кунда соҳа тарихини ўрганиш керак ва зарур. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин мазкур соҳада мисли кўрилмаган юксалишлар, янгиликлар содир бўлаётирки — бу дилларимизни фахру ифтихорга тўлдиради!

«Xabar» газетаси таҳририяти ана шу мақсадларда "КАБУТАРДАН — САМОВИЙ АЛОҚАГАЧА!" деб номланган танлов эълон қилмоқда.

Сизга аён бўлганидек, ТАНЛОВДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД — алоқанинг оддий оқ кабутарлардан космик алоқагача бўлган тарихини ўрганишдан, турли замонлардаги алоқа тизимлари, алоқачилар ва уларнинг тақдири тўғрисида газетхонларимизни, халқимизни яқиндан ошно қилишдан иборат. Танловга фақат алоқа тарихи ва бугуни билан боғлиқ бадиий асарлар, публицистик очерклар, илмий-оммабоп мақолалар, ҳикоя ва лавҳалар ҳамда фотосуратлар қабул қилинади. Танловга юбориладиган асарларнинг ҳажми чегараланмайди.

Танловда тарихчилар, олимлар, ёзувчи ва журналистлар, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари, мазкур соҳа билан қизиқувчи барча қаламкашлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга келган энг мазмунли материаллар газетамиз саҳифаларида эълон қилиб борилади.

Танлов ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами арафасида якунланади.

Танлов ғолибларига эсдалик совғалари ва қимматбаҳо мукофотлар берилади ҳамда уларнинг асарлари "Кабутардан — самовий алоқагача!" деб номланадиган китобга киритилади.

Қадрли алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари, келинг, соҳамиз тарихини ўзимиз ўрганайлик! БЎЛАЖАК КИТОБНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАЙЛИК!

Ҳурматли ижодкор дўстлар, ушбу хайрли ишларни Сизларнинг кўмагингизсиз амалга ошириш қийин — доимо «Xabar» билан бирга бўлинг!

Танлов ҳайъати

МАНЗИЛИМИЗ: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: *orif@infonet.uz*

КАСБ ТАНЛАШДА МУАММО ЙЎҚ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таълим муассасалари қошидаги васийлар кенгашидан самарали фойдаланиш механизмини жорий этиш, коллеж ва академик лицей битирувчилари меҳнатидан самарали фойдаланиш мақсадида уларнинг бандлигини тўлиқ таъминлашга эришиш масаласига алоҳида тўхталмасдан иложимиз йўқ. Боиси, битирувчиларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг келгуси истиқболини белгилайдиган энг муҳим омиллардан биридир. Бу эса ўз навбатида биздан меҳнат бозори талаблари асосида малакали мутахассислар тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш, малакасини ошириш, ўқувчи ёшларнинг ишлаб чиқариш амалиётини юқори савияда ташкил этиш ва бундан бевосита жойларда ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш талаб этади. Шу мақсадда Европа Иттифоқи кўмагида "Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик" лойиҳаси доирасида васийлик кенгаши фаолиятини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишлари Республиканинг 8 та касб-ҳунар коллежида амалга оширилмоқда. Шундан 2 таси Самарқанд шаҳрида жойлашган "Автомобиль ва йўллар" ҳамда "Маиший хизмат" касб-ҳунар коллежи мазкур лойиҳага киритилган бўлиб, бугунги кунда лойиҳа асосида фаолият юритиб келмоқда.

Касб-ҳунар коллежларининг 40 га яқинига Япония, Корея, Польша, Германия ҳамда "Осиё тараққиёт банки" лойиҳасига асосан, имтиёзли кредит ҳисобидан 10 млрд. сўмга яқин ўқув жиҳозлари, ўқув лабораторияси, техника, ўқув-устахона жиҳозлари, компьютер техникаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган мини цехлар тўлиқ асбоб-ускуналар билан таъминланиб, бугунги кунда улардан ўқувчилар фойдаланишмоқда. Қолган ўқув масканлари Марказ томонидан ўқув лабораторияси, компьютер техникалари ҳамда ўқув-устахона жиҳозлари билан таъминланган.

Яқинда Васийлик кенгашининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши билан ҳамкорликдаги фаолияти, ютуқ ва камчиликлари таҳлилига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Васийлик кенгаши, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими томонидан тасдиқланган "Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида Васийлик кенгаши тўғрисида"ги низомига мувофиқ вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгашлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Кенгаш аъзолари томонидан меҳнат бозори ўрганилмоқда ва бунинг натижаси ўлароқ коллеж битирувчиларига қўйиладиган малакавий талаблар қайта ишлаб чиқилмоқда. "Маиший хизмат" коллежи асосий йўналиши бўлган "Радиотехника ва телеаппаратуралари таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш" йўналиши учун янги ўқув режаси ҳамда дастури ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилди. Айни пайтда кенгаш саъй-ҳаракати билан турдош таълим муассасалари ўртасида "Коллежлараро ҳамкорлик ва алоқа тизимлари" ташкил этилганлиги ёшларимизнинг келажакка бўлган ишонч ва умидларини мустаҳкамлаш, касб-ҳунар танлаш ва эгаллашга қаратилган қизиқишини яна бир карра оширишга хизмат қилишига ишончимиз комил.

... Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларимизнинг таълим олиши, касб-ҳунар танлаши ва ишга жойлашиши учун шароитлар етарли, фақат улардан ўқиш-ўрганиш учун қунт ва ҳаракат керак.

Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ ёзиб олди

Нигоҳ

КИЧИК МАМЛАКАТНИНГ КАТТА МУАММОЛАРИ

Сербияда янги Конституция амалга киритилди. Мамлакат асосий қонуни лойиҳаси муҳокамаси учун ўтказилган референдумда аҳолининг ярмидан кўпроғи янги ҳуқуқий ҳужжатни ёқлаб овоз берди.

МАМЛАКАТ раҳбарияти Асосий қонуннинг янги вариантда ишлаб чиқилишига асосий сабаб Европа Иттифоқига қўшилиш бўлганини маълум қилган. Дарҳақиқат, Конституция муқаддимасидаёқ Сербия давлатчилиги умумевропа қадриятларига асосланиши эътироф этилган. Лекин вазиятга теранроқ назар солганда, янги Конституция қабул қилиниши Сербиянинг фақатгина "Европа уйи"га кириши йўлидаги ҳаракат эмаслигини сезиш мумкин. Ушбу сиёсий воқеа ортида Сербия раҳбариятининг ўзи шундоқ ҳам парчапарча бўлиб кетган мамлакатни ҳеч бўлмаса ҳозирги ҳолатда сақлаб қолиш мақсади ҳам турибди...

Белград. Сербия давлати пойтахти.

Аслида Сербия маъмурий ҳудуди кўп йиллар давомида социалистик лагернинг машҳур намояндаларидан бўлган Иосиф Броз Тито раҳбарлик қилган Югославия Федератив республикасининг таркибий қисми бўлиб келганидан ўкувчилар яхши хабардор бўлсалар керак. Ўз даврида доҳийлик даъвосида бўлган Титонинг вафотидан кейин ягона федератив республика ўн йилга яқин муддат яшади, холос. Дунё социалистик лагерининг 1990-йиллардаги инқирози даврида Югославия таркибидаги Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина ҳамда Македония мустақил давлат сифатида ажралиб чиқди. Бир пайтлар Болқон ярим оролининг асосий қисмини эгаллаган давлат таркибида унинг меросхўри сифатида биргина Сербия ва Черногория қолди. Мазкур икки ҳудуд гарчи 90 йилга яқин бир давлат бўлиб яшаган бўлса-да, уларнинг иттифоқи узоққа бормаслиги ўша пайтлардаёқ таҳлилчилар томонидан тахмин қилинган эди. Бу тахминлар илк бор 2003 йили ўз тасдиғини топди. Югославия давлатининг номи расман Сербия ва Черногория иттифоқи деб ўзгартирилди. Давлат номининг ўзгариши фақатгина расмиятчилик бўлмай, ҳар икки ҳудуд бундан мустақилликка эришишни кўзлаётган эди.

ДАРҲАҚИҚАТ, орадан 3 йил ўтиб, жорий йилнинг ёзида Сербия ва Черногория алоҳида мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Сербия эса Югославия республикасининг халқаро ҳамжамиятдаги ҳуқуқий вориси бўлиб қолди.

Сербия мустақил давлат сифатида дунё харитасида пайдо бўлганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шу боис ҳам ёш мамлакат олдида бир қатор жиддий муаммолар турибди. Энг аввало, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш, ишсизлик ва пул қадрсизланиши кўрсаткичини пасайтириш, қисқаси, мамлакатнинг "дол" бўлган қаддини ростлаш бош вазир Воислав Коштуница ҳал этиши зарур муаммолар сирасига киради. Сербия раҳбарияти диққатмарказидаги яна бир асосий масала мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш эканини ҳам алоҳида айтиш керак. Республика раҳбариятининг янги Конституция қабул қилишга нега жиддий эътибор қаратаётганини бир томондан айни шу жиҳат билан изоҳлаш мумкин.

Хабарингиз бор, мана ўн йилга яқин вақт ўтмокдаки, Сербия ҳудудида жойлашган Косово можароси ҳал бўлмай келмокда. Сербия ҳалигача ўз таркибида деб ҳисоблаб келаётган, амалда эса халқаро ҳамжамият томонидан назорат қилинаётган ҳудудда бундан олти-етти йил олдин даҳшатли қирғинбарот уруш бўлиб ўтгани, охири халқаро тинчликпарвар кучлар ва НАТО қўшини аралашувидан кейингина қуролли ихтилоф тўхтатилгани кўпчиликнинг ёдида.

Сербиянинг амалдаги ҳукумати раҳбари Воислав Коштуница — Косовога мухторият даражасида эркинлик бериш ва уни ягона республика таркибида сақлаб қолиш тарафдори. Мамлакат бош вазирининг айни шу истаги янги Конституцияда ҳам ўз аксини топган. Асосий қонуннинг муқаддима қисмида Косово Сербия Республикаси таркибидаги маъмурий бирлик экани алоҳида қайд этилган.

АСЛИДА Сербия раҳбариятининг янги Конституция лойиҳасини қабул қилиш учун куйиб-пишиб ҳаракат қилиши, гарчи мамлакат референдум ўтказиш учун тайёр бўлмаса ҳам, умумхалқ овоз бериш тадбирининг шошилинч ташкиллаштирилганини айнан Косовонинг Серб давлати таркибида эканини ҳуқуқий асослаб олиш йўлидаги уриниш сифатида изоҳлаш тўғрироқ бўларди. Референдум натижалари Воислав Коштуница ҳукуматининг бош мақсадига мувофиқ якунланди. Аҳолининг 51,5 фоизи асосий қонуннинг янги лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Эндиликда Сербия раҳбарияти Европа Иттифоқи ёки БМТ каби халқаро бирлашмаларнинг Косово масаласида билдирадиган эътирозларига жўяли жавоб бериши мумкин. Яъни умумхалқ овоз беришида барча аҳоли гуруҳи томонидан бир овоздан тасдиқланган Конституцияда Косовога эгаликнинг сақлаб қолингани Воислав Коштуница ҳукуматининг сиёсий ғалабасидир.

Бироқ Конституция кучга кириши билан муаммо ҳал бўлди дейиш тўғри эмас. Агар гап биргина референдум ўтказишда бўлганида эди, Косово муаммоси ҳам аллақачонлар ўз ечимини топиб кетарди.

Бошқа томондан, Конституцияни қабул қилиш жараёнида Косово озодлигини талаб қилаётган албан аҳоли гуруҳининг норозилик ифодаси сифатида иштирок этмагани вазиятни янада чигаллаштиради. Яъни бу ҳолат Сербия раҳбариятининг янги асосий қонунни халқ хоҳиш-истаги ифодаси дейишига тўсқинлик қилади.

СЕРБИЯ раҳбарияти жуда мураккаб аҳволда, таъбир жоиз бўлса, икки ўт орасида қолган. Бир томондан, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини асраш ва жиддий "бошоғриқлар" келтириб чиқарган Косовони имкон қадар мамлакат таркибида сақлаб қолиш зарур.

Иккинчи томондан, социалистик лагерь мамлакатлари учун катта орзу бўлиб қолаётган Европа Иттифоқига аъзо бўлиш талабларини адо этиш керак. Иттифоқ эса Косово масаласини тез ва соз ҳал қилиш талабини илгари сурмокда.

Бу ёғини суриштирсангиз, Сербия Европа Иттифоқи билан зиддиятга борган бошқа жиҳатлар ҳам бор. Улардан асосийси, Югославиянинг собиқ раҳбарлари масаласи. Европа Иттифоқи кўпдан буён Сербия раҳбариятини юзлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган Ратко Младич, Радован Каражич каби ҳарбий жиноятчиларни ўз ҳудудида яширишда айблаб келмокда. Расмий Белград эса ҳарбий жиноятчилар Сербияда эмаслигини такрорлашдан чарчамайди.

ЯНГИ Конституциянинг амалга киритилгани бир томондан мустақил республиканинг ҳуқуқий асосини бунёд этиш йўлидаги ижобий қадам бўлса, иккинчи томондан, бу мамлакатнинг Европа Иттифоқи билан муносабатларига салбий таъсир этиши мумкин.

Ҳозирги ҳолатда Сербия учун нима муҳим: Европа Иттифоқи билан ихтилофга бориб бўлса-да, Косовони қўлдан чиқармасликми? Ёки мамлакатнинг азалий орзуси "Европа уйи"га киришни тезлаштиришми? Айни пайтда Воислав Коштуница раҳбарлигидаги ҳукумат олдида бу борадаги "олтин ўрталиқ"ни топиш масаласи кўндаланг турибди.

Собиржон ЁҚУБОВ

РАҚАМ

Жаҳон банки маълумотига кўра жорий йилда Сербиянинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромади 2680 долларни ташкил этди.

Дараклар

АҚШ Ироқда ҳарбий ғалабага эриша олмайди. АҚШнинг собиқ давлат котиби Генри Киссенжер айни шундай баёнот билан чиққан.

АҚШ ИРОҚДА ҒАЛАБА ҚИЛОЛМАЙДИ

Сиёсатдоннинг фикрича, Жорж Буш маъмурияти Ироқда тинчлик ўрнатишни истаса, қўшни мамлакатлар, жумладан, Эрон билан мулоқотга киришиши керак. Шу билан бирга Генри Киссинжер Ироқ масаласи бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари иштирокида халқаро анжуман чақириш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Президентлар Ричард Никсон ва Джералд Форд даврида АҚШ Давлат котиби лавозимида ишлаган Генри Киссенжер Вьетнам урушининг ташкилотчиларидан бири саналади.

САУДИЯ ПОДШОҲИНИНГ ЧАҚИРИҒИ

Саудия Арабистони подшоҳи — икки муқаддас масжид ходими Абдуллоҳ бин Абдулазиз мусулмон дунёсини бирлашиш ва аҳилликка чақирди. Подшоҳнинг ушбу баёноти Макка шаҳрида ўтган Ислом лигаси ташкилотининг 39-сессияси арафасида эълон қилинди.

Саудия давлати раҳбари ўз чиқишида дунё мусулмонларини Қуръони карим ва суннатга суянган ҳолда бирдам ва баҳамжиҳат яшашга, бир-бирига елкадош бўлишга даъват этди.

Подшоҳ Абдуллоҳ бин Абдулазиз баёнотида бугунги кунда мусулмон бағрикенглигини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, дунё миқёсида айрим ёвуз ниятли кучлар диний низолар чиқариш йўлида тинимсиз ҳаракат қилаётган бир пайтда ислом динига хос бўлган ўзга эътиқод вакилларига ҳурмат кўрсатиш фазилатини янада кучайтириш лозим.

Расмий Ар-Риёд террорнинг ҳар қандай кўринишларини қоралашини таъкидлаган Саудия подшоҳи мазкур глобал жиноятга қарши курашда дунё мамлакатларини ҳамжиҳат амалий ҳаракатга чорлади.

Дин ниқоби остидаги турли ҳаракат ва гуруҳларнинг бутун дунёда илдиз отиб кетгани, улар томонидан амалга оширилаётган қўпорувчилик ҳаракатлари сабаб дунё миқёсида ислом динига нисбатан ўта нотўғри муносабат шаклланмоқда. Айни шу хавотирли жиҳатни ёдга олган Саудия Арабистони подшоҳи муқаддас ислом ҳақиқий тинчлик ва бародарлик дини эканини кўрсатиш вазифасига асосий эътиборни қаратди.

Эслатиб ўтамиз, подшоҳ Абдуллоҳ бин Абдулазиз 2005 йилнинг августидан буён Саудия Арабистони давлатига раҳбарлик қилмоқда. Узоқ йиллар бош вазир ўринбосари бўлиб ишлаган валиаҳд шаҳзода ўтган йилнинг ёзидан — подшоҳ Фаҳд бин Абдулазизнинг вафотидан кейин давлат раҳбари сифатида иш бошлаган эди.

Огоҳлик

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

Хизмат юзасидан кўплаб хонадонлар, савдо шаҳобчалари ва идораларда бўламиз. Юртдошларимизнинг аксарияти ёнғиннинг тилсиз ёв экани, унинг кишилар бошига нақадар аянчли кулфатлар солиши мумкинлигини яхши тушунадилар. Хонадон ёки идорасидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилганини ёхуд камчилигини кўрсатсак, дарров уларни бартараф этишга ҳаракат қилишади. Аммо баъзан шундай кишилар билан учрашамизки, уларнинг лоқайдлиги, бепарволиги одамни ҳайратга солади. Оёғининг тагида қўлбола иситгич, шундоққина деворга ўрнатилган розеткаси анамана ёниб кетай деб турганини кўрса ҳам парвойи палак. Ё эътибор қилмайди ёки ўзини ҳар қандай фалокатдан холи санайди. Бундайларга гапирсанг, "Ҳа, энди иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-да, ука", деб жавоб беради. Аммо халқимизда "Кўза кунда эмас, кунида синади" деган нақл борлигини эслатиб қўйгим келади. Айниқса, ёнғиндек тилсиз ёв балосидан ҳеч кимнинг буткул ҳимояланмаганини айтиш жоиз. Биргина ўчирилмай ташланган сигарет пучагидан бутун бошли иморатлар ёниб кул бўлганини, кийимини қуритаман деб газ плита устига кир ёйиб, хонавайрон бўлганларни, энг ачинарлиси, ёнғин туфайли ёш болалар ва гўдакларнинг ҳалок бўлганини кўрганмиз, ахир. Ота-онанинг бепарволиги-ю, катталарнинг лоқайдлиги учун нега энди ёш, навниҳол инсон умри хазон бўлиши керак?

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисидаги махсус қарорида биз — ёнғин хавфсизлигига масъул шахсларнинг бажариши лозим бўлган ишлар билан бир қаторда, аҳолининг ҳам бурчлари аниқ-тиниқ белгилаб берилган. Республика халқ хўжалиги, саноати ва иқтисодиётига катта зарар етказиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш мамлакат ҳар бир фуқаросининг бурчи бўлмоғи шарт. Бундан ташқари хонадонлар, ишхона ва идораларда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриб қўйган афзал. Қиш мавсуми бошланиши билан ўт кетиш, ёнғин билан боғлиқ фалокатлар кўпайиши ҳеч кимга сир эмас. Бироқ ёнғиннни ўчиришдан кўра ўт кетмаслигини олдини олиб қўйган яхшироқдир. Зотан, ҳар биримиз хизмат вазифамиз ва бурчимизга масъулият билан ёндашмоғимиз ёнғиннинг олдини олишга қўшган ҳиссамиз эканини унутмайлик.

Алишер ЭРГАШЕВ,
Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант

Юзма-юз

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент иқтисодиёт коллежида маънавий-маърифий кечалар ўтказиб туриш анъана тусини олган. Бу галги йиғинга Луқмон Бўрихон ("Ёшлик" журнали ходими), Носиржон Тошматов ("Шарқ зиёкори" китоблар маркази адабий ходими), Лазизжон Баҳромов ("Болалар спорти" журнали бош муҳаррир ўринбосари) ташриф буюришди. Учрашув аввалиданоқ баҳс-мунозаралар билан бошланиб кетди. Табиийки, илк тортишувлар китоб ва китобхонлик борасида бўлди. Ўқувчилар томонидан билдирилган фикрлардан адабий жараёнда бўлаётган янгиликларга бефарқ эмасликлари кўриниб турибди.

— Бундай тадбирларни илгарилари ҳам ўтказганмиз, — дейди Маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари А. Қосимова. — Шундан сўнг ўқувчиларимиз "Ёзувчи-шоирлар билан учрашув қачон бўлади?" деб тез-тез сўрайдиган бўлишди. Коллежимизда ҳаваскор-ижодкор ўқувчиларимиз кўп. Ажаб эмаски, бу учрашув туфайли уларда шу йўлдан бориш нияти қатъийлашган бўлса. Ёшларда бадиий китобга бўлган қизиқишни кучайтириш учун ижодкорлар билан бўладиган бундай йиғинлар катта аҳамиятга эга деб ўйлайман.

Маъмура УСМОНОВА

Нашр

ЭНГ ЯХШИ КУНЛАР

"Ҳидоят" журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Қуйида эътиборингизга унда чоп этилган баъзи мақолалардан парчалар ҳавола қиламиз.

ВАЪДАГА ВАФО

"Агар душманингиз билан ҳам битим тузган ё унга ваъда берган бўлсангиз вафо қилинг, сўзингиз устидан чиқинг, ваъдангиз учун жонингизни фидо қилинг. Зеро, инсонлар ақидада бир-бирларидан фарқ қилсалар-да, Аллоҳ таоло фарзларидан сўнг ваъдага вафо қилишнинг буюклиги хусусида якдиллар. Тузган битим ва берган ваъдангизга асло хиёнат қилманг!" Ҳазрати Алининг бу насиҳатлари барчамиз учун дастур бўлса, қадримиз асло йўқолмайди.

ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ШОШИЛГАН ЯХШИ

"Сабр ёруғликдир". Бу ерда мақсад қилинган сабр Исломга мувофиқ сабрдир. Аллоҳга итоат қилишда дунё тузоқларига ва балоларига сабр қилиш. Яъни сабрли одамнинг савоб умидида қилган сабридир.

Муҳаммад Закариё НАВАВИЙ

БИР ЯРИМ АСР ДИН ХИЗМАТИДА

1928 йили отам Эшон Бобохоннинг ерсув, мол-мулклари, шаҳар ҳовлилари мусодара қилинди. Отам билан бирга Зайнуддинхон акам ҳам кўп вақт яшириниб юришга мажбур бўлди. 1929-1930 йиллари орган ходимлари уларни олиб кетиб кечгача сўроққа тутар, ярим тунда қўйиб юборар эди. У кишига "Диний уламолар раҳбари" деган айб қўймоқчи бўлишди.

Софияхон Эшон БОБОХОН қизи

ҚАЛБ ХАСТАЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА МУОЛАЖАСИ

Аллоҳ таоло барча нарсаларни яратган Зотдир. Агар инсон барча нарсаларни билса-ю, улуғ ва қудратли Раббини танимаса, демак, у ҳеч нарсани билмабди. Таниш, билишнинг аломати — муҳаббат. Аллоҳни яхши кўрган киши Аллоҳни таниган кишидир. Муҳаббат эса дунё ва ундаги суюкли нарсаларни Яратувчидан устун қўймасликдир.

Ким бирор нарсани Аллоҳдан суюклироқ билса, демак, унинг қалби касалдир. Бу бамисоли нон билан сув бўла туриб, лойга иштаҳаси очилган меъдага ўхшайди. Албатта, бундай бузуқ иштаҳа меъданинг касаллигидан далолат.

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

АВВАЛГИ ДЎСТЛАРИМ

Ҳар кимнинг сабоғи ҳар хилдир бироқ,
Танлаш гали келди кутдирмай узоқ.
Сизга у дунёнинг саодатидан
Бу дунё роҳати туюлди хўроқ.

Кетдингиз, бирингиз қувиб амал, шаън,
Бирингизни мол-мулк чалғитди йўлдан.
Оқибат қабрнинг остонасида
Тушай деб турибди ҳассамиз қўлдан...

Шукур ҚУРБОН

КИЧКИНА УМАРНИНГ ХИКОЯЛАРИ

— Бизга арзимас кўринган ишлар ҳам охиратимиз учун энг зарур бўлиб чиқиши мумкин. Масалан, бировга айтган бир оғиз ширин сўзимиз, оғир юк кўтариб кетаётган инсонга берган ёрдамимиз шулар жумласидандир. Энг асосийси, хайрли ишларга биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатиш ва давомли қилишдир.

Маҳмуд МАҲКАМ тайёрлади

Зебо АБДУҚОДИРОВА тайёрлади

БОЛАНГИЗГА "МЕРОС" КЕРАК

Қанақа мерос дерсиз? Ҳа, ўша сиз билган мерос. Бу сўзни эшитишимиз билан кўз ўнгимизда бойлик намоён бўлади. Момоларимиз ҳам фотиҳага қўл очганларида "Кетмас бойлик берсин", деб дуо қиладилар. Бу бойлик инсон соғлиғидир. Кимдир саломатлик ҳақида гапирса, унга бепарво қўл силтаб ўтиб кетадиган киши кам топилса керак. Айниқса, бу сўзлар фарзанд соғлиғи ҳақида кетса.

Биз назарда тутган "Мерос" бу — ННТ номи бўлиб, ташкилот бир неча ўн йиллардан бери норасмий фаолият юритиб келарди. 2004 йилдан эса давлат рўйхатидан ўтиб расман иш бошлади. Унинг асосий мақсади аҳоли учун тиббий таълимни

ташкил этиш, уни амалга ошириш, келгуси авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсон қилиб тарбиялашга йўналтирилган ижтимоий фойдали дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиб ҳаётга тадбиқ этиш, соғлом авлод ва баркамол ёшлар етишиб чиқишига амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

"Мерос" нодавлат нотижорат ташкилоти тез-тез болалар билан учрашиб, маданий-маърифий тадбирлар уюштиради. Бундан ташқари ташкилот ойда 2-3 марта болаларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказади. Уларга болаларнинг тиббий саломатлиги, касаллик белгилари, зарурат туғилса нима қилиш кераклиги ва қаерга мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида батафсил маълумот беришади. Ташкилотнинг шу сингари ишларига унинг раиси Лола Мукаррамова мана бир неча йилки бошчилик қилиб келмоқда.

— Биз асосан Миробод туманида жойлашган 57-ўрта мактаб ўқувчилари билан ишлаймиз, — дейди Лола опа. — Улар учун яқинда компьютер курслари очмоқчимиз. Қолаверса, "Чўлпон" маҳалласида Зилолахон Ярлақабова раҳбарлигидаги рақс тўгарагининг очилишига ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик. Тўгаракда болалар бўш вақтларида рақс сирларини ўрганадилар.

— Нега айнан рақс тўгараги?

— Биринчидан, рақс болада эстетик дид уйғотади. Уни санъатга ошно қилади. Иккинчидан, боланинг елкалари, умуртқа поғонаси тўғриланади. Бу жисмонан бақувват бўлиб соғлом ўсиш учун жуда муҳим. Биласизми, болаларимиз "Муқимий" театрида 2 марта ўз рақсларини намойиш этдилар. Бунинг таҳсинга лойиқ жиҳати шуки, эшитиш қобилияти заиф болалар ҳам рақсга тушдилар. Кўриб кўзингиз қувонади. "Лик" театр студиясида ҳам актёрлар билан жисмонан нуқсонли болалар роль ўйнашди. Роль ўйнашяпти-ю, қувончдан ўзларини қўярга жой тополмайдилар. Уларнинг қувончини кўриш биз учун катта бахт!

— Ҳомийлар топиш қийин эмасми?

— Қийин. Аммо изланамиз, топамиз. Миробод туман Асака банки билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Қолаверса, болажонларимизни хурсанд қиладиган тадбирларни уюштиришда "Мерос"га Француз маданият маркази, Қизил ярим ой жамияти, Франция элчихонаси, Миробод туман прокуратураси ва бошқа ташкилотлар ҳам ўз ёрдамларини аяшмайди. Ёшларимизнинг ўзлари ҳам ташаббус билан чиқиб туришади. Масалан, шу йил Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида 60-мактаб ўқувчилари ўз қўллари билан ясаган турфа хил ўйинчоқларни 57-мактабда таҳсил олаётган тенгдошлари, ука-сингилларига ҳадя қилишди. Одамзодга меҳр бериш учун кўп нарса керак эмас. Инсон кўнглини кўтариш пул билан белгиланмайди.

— Сўзим охирида шуни таъкидламоқчи эдимки, — дейди куюниб Лола опа, — ҳурматли ота-оналар фарзандларингиз соғлиғидан, уларнинг руҳий дунёсидан доимо бохабар бўлинг, маълум бир вақтда шифокор кўригига олиб бориб туринг. Ва, албатта, гўзал тарбия беринг. Бу бизнинг фарзандларимиз олдидаги қарзимиздир.

Файласуф Виктор Алимасов ёзади: "Икки ўринда инсон ақли лол: биринчиси — келмиш олдида, иккинчиси — кетмиш олдида. Одам йиғлаб кетади, гўёки, у кимларнингдир қарзларини кўз ёшларим билан узаман, деб бу дунёга келгандай..."

Бугун сиз фарзандингиз олдида, ўз навбатида эртага улар сизнинг олдингизда қарздор. Аввало, мақолларда айтилганидек, олмоқ учун бермоқ керак. Зеро, ҳадиси шарифларда: "Фарзандларингизни ҳурматланглар ва уларнинг одобини гўзал қилинглар", дейилади. Шундагина биз фарзандларимизга ҳақиқий мерос қолдира олган бўламиз.

Гулжаҳон НОМОЗОВА

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

Акс-садо

МАХСУС МУҲАРРИР

зиммасидаги масъулиятни англамаслиги ўқувчилар учун қимматга тушяпти...

«Hurriyat» газетаси "Матншуносликнинг бугунги аҳволига бир назар" рукнини очганлиги (2006 йил, 8 ноябрь сони) таҳсинга сазовор. Бироқ ундаги Ваҳоб Раҳмонов суҳбати биргина Алишер Навоий "Хамса"синининг янги нашрига бағишланган, холос. Ҳолбуки, биргина "Хамса" нашри "матншуносликнинг бугунги аҳволи"ни ёрита олмайди. Шу боисдан, мазкур рукн давом эттирилса, матншунослик соҳасида ечимини кутаётган муаммолар мутахассислар ва кенг китобхонлар оммаси томонидан муҳокама этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

"Хамса"нинг янги нашри, шубҳасиз, катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга. Лекин бошқа мутахассислар қолиб, шу нашрнинг масъул муҳаррири В.Раҳмоновнинг ўзи зўр бериб уни қайта-қайта мақтаётганлиги жуда ғалати. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 18 август сонидаги "Хамса"нинг янги нашри" сарлавҳали катта бир мақолада ва мана энди "Hurriyat"да ношир ўзининг ишига ўзи "юксак" баҳо бермоқда. Бунда қандай ҳикмат бор экан? Ё ўзбек халқининг машҳур «Сен ўзингни мақтама, сени биров мақтасин" мақоли "Сен ўзингни мақтагин, сени биров мақтамас" тарзида тескари айланиб қолдимикин-а? Бу улкан китобни мутахассислар мутолаа этиб, акс-садо беришлари учун андаккина сабр қилиш лозим эмасмиди?

«Хамса»нинг ушбу нашрида муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ аниқланиши лозим бўлган қатор муаммолар бор. Нашрнинг бир неча ўрнида «тўплаб нашр этувчи», «нашрга тайёрловчи», «масъул муҳаррир» иборалари қўлланади. Ҳатто, бир шахснинг ўзи ҳам нашрга тайёрловчи, ҳам масъул муҳаррир сифатида белгиланган. Шу пайтгача мукаммал илмий танқидий матни яратилган ва чоп этилган, тўла ҳолда бир неча марта нашр этилган «Хамса»нинг янги нашрига нисбатан В. Раҳмонов қандай муаллифлик ҳуқуқига эга эканлиги муаммо. Бу алоҳида ўрганишни ва ёритишни тақозо этади.

В.Раҳмоновнинг ўз нашри ҳақидаги таърифтавсифларини холис баҳо сифатида қабул қилиб бўлмайди. Унинг матншунослик майдонида ўзини ягона қаҳрамон менгзаши, бошқа ҳамма матнчи ва матншуносларни рад этиши, уларнинг шаънларига нисбатан ҳақоратомуз фикрлар ифодалаши олимлик табиатига, маданиятига, ахлоқ-одобига мутлақо тўғри келмайди. Мана, у ўз ҳамкасбларига нисбатан ҳурматсизларча қандай кесатиқ писанда ва худписандликлар изҳор этган: "Бу ҳолат Ўзбекистонимизда матншунослик аҳволининг ғариблиги, матншунослик танқидининг йўқ даражада озлиги билан изоҳланади. Нуқсон бундагина эмас, балки олимларимизнинг матн танқиди – саҳиҳлик учун курашни илм бахти деб эмас, балки шахсий адоват деб тушунишларидадир. Кўпчилик олимларимизнинг эътиқод тушунчалари: «Мумтоз асарларда минглаб хато кетса... менга нима? Буни айтсам, фалончилар ранжийдилар, сўнг гуруҳлашиб менинг илдизимни қуритадилар...

Мумтоз адабиётимиз нашрлари соҳасидаги сернуқсонликни ҳамма олимлар биладилар, илло айтмайдилар. Буни очиқ айтишга ботинган мард эса майдонда айримларга иғвогар, ғаламис бўлиб кўринади..."

"...Бошқа нашрларга келсак, мен – кўрқоқ эҳтиётқор, бошқалар – юракли ва ботир. Уларга иккита далда бор: Биринчидан, бу китобни оз одам ўқийди; Иккинчидан, ҳеч ким менчалик билмайди. Нусхамдан хато чиқмайди деб ўйлаб ўзларини хотиржам қиладилар. Учинчи далда ҳам бор: "Менинг хатомни кўрсатадиган мард чиқиб қолса-чи... унда ўзидан кўрсин!" Ана шу хаёллар бандалари, улуғлик бандалари олимлар сафида оз эмас".

"...адабиёт олимларининг ўттиз йилда шу ҳақиқатни фарқ этмаганликларини мен изоҳлашдан ожизман".

Бундай маломатлар "ЎзАС" даги мақолада ҳам бор эди: "Бироқ энг яхши, энг зўр матнчи ҳам бир достон матнини тайёрлашда юстадан мингтагача сўзларни хато ўқийди ва ўқиганича, билганича кўчирадики, бундан ҳатто илмий-танқидий матн яратган матншунос ҳам мустасно эмас". "Мулоҳазаларимиз устод Порсо Шамсиевдан бошлаб, кейинги нашрга тайёрловчилар хизматларига соя ташлагандай туюлиши табиий". Бу гаплар атоқли матншунос аллома Порсо Шамсиев ва бошқа олимлар шаънига ошкора туҳмат.

"Матн танқиди – саҳиҳлик учун курашни илм бахти деб эмас, балки шахсий адоват деб тушуниш" эса Ваҳоб Раҳмоновнинг ўзига хос туйғудир. Яқинда матбуотда бўлиб ўтган бир мунозара фикримизнинг ёрқин далилидир.

Кейинги даврда китоб чиқаришда сифат ва савия пасайиб кетганлиги ҳақида бонг урувчи мақолалар ёзила бошлади. Бу ижобий ҳол, албатта. Хайриятки, илмий-маърифий соҳада ҳушёрлик ва огоҳликка даъват бошланди. Лекин ўз манфаатига путур етмаслиги учун соғлом танқидни бўғишга шай турган кучлар ҳам йўқ эмас.

Сифат ва савияси пасайиб бораётган китоблар сирасига айрим дарслик ва мажмуалар ҳам киради. Улардаги қусур ҳамда нуқсонлар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган китоблардагидан кўра хавфлироқ. Чунки ундай китобларни хоҳлаган одам олиб ўқиши ёки ўқимаслиги мумкин. Уларни танлаш, ўқиш ихтиёрий. Дарслик ва мажмуалар эса умумтаълим мактаблари дастури асосида мажбурий равишда ўқитилади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу китоблардаги маълумотларни қабул қилиш ҳамда татбиқ этишдан ўзга чораси йўқ. Шу боисдан бундай китобларни таҳлил этиш, улардаги камчилик ва нуқсонлардан ўқитувчи ҳамда ўқувчилар жамоасини, мутахассисларни огоҳ этиш, кейинги нашрларда уларнинг тузатилишига имкон яратиш хайрли ишдир.

Бизнинг "Маърифат" газетасида босилган (2006 йил 29 апрель) "Саҳиҳ матн – дарслик асоси" номли мақоламиз ана шундай эзгу ният билан ёзилган эди. Афсуски, бунга жавобан чоп этилган Ваҳоб Раҳмоновнинг "Олимона куюнчаклик ва.." сарлавҳали мақоласида ("Маърифат", 2006 йил 16 август) мақсад-муддаомиз тўғри тушунилмаган. Аслида, мақоланинг асосий ғояси ва муддаоси сарлавҳадаёқ аниқ-тиниқ айтилган эди. Унда адабиёт дарслиги яратишнинг асосий тамойилларидан бирига урғу берилган эди: "Саҳиҳ матн, айниқса, дарслик ёзиш учун жуда-жуда зарур ва дарслик учун таянч манбадир. Дарслик ёзувчи саҳиҳ матнга таяниш тамойилини эгаллаши лозим. Борди-ю, муайян адиб ижоди бўйича саҳиҳ матн бўлмаса, уни дарслик муаллифининг ўзи тузиб олиш лаёқатига эга бўлиши керак. Агар саҳиҳ матн мавжуд бўла туриб, дарслик муаллифи бошқа иштибоҳли матндан фойдаланса, бу таълим савияси, сифати, барқарорлиги нуқтаи назаридан кечирилмас ҳолдир". Амалдаги



10-синф "Адабиёт" дарслигида ана шундай ҳолатга йўл қўйилган. В. Раҳмонов шундай ҳолни ҳимоя қилиб чиққан. Эҳтимол, мазкур жавоб мақолани В.Раҳмонов эмас, бошқа бир холис одам ёзганида, ундаги фикр-мулоҳазаларни бефараз муносабат сифатида қабул қилиш мумкин бўлар эди. Бироқ В.Раҳмонов биз мақоламизда танқид қилган дарсликнинг махсус муҳаррири (қаранг: "Адабиёт", 10-синф учун дарслик. Тошкент. "Ўқитувчи", 2004 2-бет), бинобарин, унинг мақоласи шахсий манфаатдорлик асосига қурилган.

Илгарилари нашр этиладиган китобларга махсус муҳаррир эмас, балки масъул муҳаррир белгиланарди. Кейинги даврларда, масъулиятни янада ошириш мақсадида чиқарилаётган китобнинг ихтисосига яқин мутахассислар махсус муҳаррир сифатида жалб этиладиган бўлди. Ана шу аниқ мақсаддан келиб чиқиб, "Ўқитувчи" нашриёти ўзбек мумтоз адабиёти матнлари асосида яратилган 10-синф "Адабиёт" дарслигига матншунос В.Раҳмоновни махсус муҳаррир қилиб белгилаган. У дарслик матни ҳамда ундаги мумтоз адабиёт матнларининг иштибоҳсиз, саҳиҳ ҳолатда чоп этилишига масъул эди. Гарчи дарслик муаллифлари нуқсонларга йўл қўйсалар ҳам, махсус муҳаррир хатоларни ўтказиб юбормасликка, тузатишга расман, қонунан ваколатли ҳамда кафил ҳисобланади. Унинг танқидий мақоламизга зардали жавоб ёзишдан мақсади ҳам ўз хатоларини хаспўшлаш, оқлаш, матншунос ва махсус муҳаррир сифатидаги обрўсини сақлаб қолишга уринишдир. Таассуфки, бу ҳақда олдинроқ – дарслик ишониб таҳририга берилганида қайғурган маъқул эди.

В.Раҳмонов бир неча марта бизни илм одобига риоя қилмасликда, баҳс маданиятини билмасликда айблайди. Бизнинг танқидий мақоламиз неча юз минглаб ўқувчи ва ўқитувчиларнинг, илмий ҳақиқат ва маърифатнинг фойдасини кўзлаб ёзилган. В.Раҳмоновнинг жавоби эса шахсий манфаатни ҳимоя қилишга қаратилган, холос. Хўш, бу зиёли одобига, баҳс маданиятига тўғри келадими?

Бизнинг: "Муаллиф суянган матн нақадар иштибоҳли бўлса, у ёзган дарслик ҳам шунчалик ишончсиздир", — деган фикримизни В.Раҳмонов қоралайди. Ҳолбуки, мақоланинг таҳлилий қисмида биз жорий 10-синф дарслигининг нима сабабдан ишончсизлигини асослаб берганмиз. Ачинарлиси шундаки, шундоққина саҳиҳ матн турганида, иштибоҳли матнларни дарсликка олиб киришган. Қайсидир улуғ олимнинг узоқ ўтган замонларда ёзилган мақоласидаги матнларга, сернуқсон танланган асарлардаги матнларга суяниб яратилган дарслик ишонсизлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқат-ку, ахир. Илм-фан улардан кейин ҳам ривожланган. Ўз даврининг ютуғи бўлмиш у асарлар бугунга келиб маънавий жиҳатдан эскирган. Дарслик умум эътироф этган, фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида ёзилиши қонуний ҳолдир. Буни махсус муҳаррир ўз вақтида пайқаши ва муаллифларни саҳиҳ матнлардан фойдаланишга даъват этиши тўғри бўларди.

Мақола якунида В.Раҳмонов шундай дейди: "Нусратулло Жумахўжанинг мақоласидаги тўрт сўз хатолиги ҳақидаги даъвосининг иккитаси тўғри чиқди. Бир мақолада матншунос икки сўз ҳақиқатини тиклади. Бу – катта илмий хизмат". Тажрибали матншуноснинг ушбу сўзларини биз илтифот ўрнида қабул қиламиз ҳамда "катта илмий хизмат" учун ўзимизнинг бурчдорлигимизни изҳор этамиз. Такрор айтамизки, бизнинг мақоламиз "тўрт сўз хатолиги ҳақидаги даъво" билан эмас, балки дарсликларнинг сифат ва савиясини кўтариш йўлидаги улуғ бир муддао билан ёзилган. Боринг-ки, В.Раҳмоновнинг ҳисоб-китобидан келиб чиқиб ёндашган тақдиримизда ҳам, у "явғон", "зери пойинда", "сарпўш" сўзлари дарсликда хато қўлланилганига икрор бўлиб турибди. Унинг "сархуш" ва "сувсониб" сўзлари ҳақидаги мулоҳазалари эса баҳсли. У даъво қилаётган "саржўш" сўзи Турди Фароғий асарларининг Ҳ.Ёқубов нашридан олинган. Ҳар қалай, А. Ҳайитметов нашри Ҳ.Ёқубов нашридан 20 йил кейин чоп этилган. Бу олимлар бир илмий даргоҳда ишлашган, биргаликда изланишган. А.Ҳайитметов нашридаги "сархуш" вариантига на Ҳ.Ёқубов, на бошқа бирор киши томонидан эътироз бўлмаган. Бу илм эътироф этган сўнгги хулоса демакдир. Дарслик мана шунга таяниши, сўз аслияти ҳақидаги баҳс-мунозаралар илмий доирада, илмий минбарларда бўлиши керак эди.

В.Раҳмонов сўз шакли ва унинг маънолари ҳақида баҳс юритар экан, "таклиф этилган", "тавсия этилган" каби ибораларни қўллайди. Дарслик босилиб чиқиб, икки йилдан бери амалда бўлса, энди қандай таклиф ва тавсия бўлиши мумкин? Биз барқарор, асл, саҳиҳ матн ҳақида фикр юритганмиз. Махсус муҳаррир эса таклиф-тавсияларни танқидга учрагандан кейин эмас, дарслик нашри жараёнида киритиши лозим эди. Мана, у қандай услубда зўр бериб дарсликдаги хатони оқлашга уринади: "Ҳар сари елдим, югурдим (чанқаб) мавжи сароб. Шу ҳолда мисрада соғлом мазмун йўқ. Услубан ғализ-ку, ахир". У мумтоз матнни замонавий грамматик андозага солиб кўриб, ғализ дея даъво қилади. Бундай мантиқдан келиб чиқсак, бутун мумтоз матнлар бисотимизни мазмунсиз ва ғализ адабиётга чиқариб ташлаш ҳеч гап эмас-ку?

"Агар биз, — дея давом этади В.Раҳмонов, — дарслик муаллифлари берган луғат – "сасан, ман ғубор-у дурдиман

Тўғриси:

Жўш пур хум соф майсан, ман ғубори дурдиман

Бундай матний хатоларни мажмуадан кўплаб келтираверишмумкин. (Қаранг: Адабиёт (мажмуа) 10-синф учун. Тошкент, "Ўқитувчи", 2004 254-257-бетлар).

Энди бошқа адабий сиймолар ҳақидаги гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун Бобораҳим Машраб ижодидан келтирилган мустазодга бир назар ташлайлик:

Бу хаста вужудимни мени ўртади бир йўл ул зулфи паришон,

Ул гул юзининг шаклида мен волайи булбул, ул ғунчайи хандон..

Маълумки, мустазод жанрининг асосий жанрий хусусияти шундаки, ҳар мисранинг охирида икки рукнга тенг келадиган бир неча сўз орттирилади ва улар орттирма мисра сифатида алоҳида сатрдан ёзилади. Бу ҳолат мустазоднинг бетакрор мусиқий оҳангдорлигини ташкил этади. Мустазоднинг ғазалдан фарқи ҳам шунда. Мажмуада эса мустазод ғазал шаклида берилган. Ундан ўқувчи мустазод нималигини тасаввур қилмайди.

Бир мақолада яна қанча хатони кўрсатиш мумкин? Афсуски, мажмуага ҳам махсус муҳаррир — Ваҳоб Раҳмонов.

Дарсликдаги хатоларнинг маънавий зарарлари ҳақидаги фикрларимизни В.Раҳмонов ортиқча иддао дея талқин этади. Масалага мураббий (педагог) сифатида жиддий қарамайди. Ёшликда олинган билим ўқувчилар онгига қуйилган қўрғошиндай ўрнашади. Агар улар дарслик ва дарсдан нотўғри маълумот олсалар, ўша илк таассурот билан умрбод чалғиб юрадилар. Дарсликдаги хатолар туфайли тест синовларида адашган бир йигит йил давомида зир қақшаб елиб-югурди. Лекин йўқотган балларини тиклай олмади, ўқишга киролмади. Бу — маънавий зарар эмасми? Бундай маънавий зарарларга муаллифлар билан бирга махсус муҳаррир ҳам баб-баробар жавобгар. Хўш, дарслик ва мажмуадаги барча хатоларни мамлакатдаги нечта мактабга бориб, нечта ўқитувчи ва ўқувчига тушунтириш, тузаттириш мумкин? Эвоҳки, бунинг иложи йўқ. Ундан кўра Халқ таълими вазирлиги бундай сернуқсон дарслик ва мажмуалардан воз кечиб, саҳиҳ матн асосида яратилган дарслик ва мажмуаларни янгидан нашр этиш масаласини ўйлаб кўрса, яхши бўларди.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

Мутолаа

"Ҳаёт ҳақиқати китобхонларни овутадиган эртак эмас, балки уларнинг кўзларини очиб қўядиган аччиқ, шафқатсиз сабоқдир", — дейди Чингиз Айтматов. Мақсуд Қориевнинг "Ғазнавийлар" тарихий романини ўқиб чиққан китобхон бу фикрнинг нақадар тўғрилигига имон келтиради.

ҲУКМДОР ҚИСМАТИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Эски ўзбек қомусидаги "Маҳмуд Ғазнавий" мақоласида шундай ёзилади: "Маҳмуд Ғазнавий паҳлавий ва араб тилларини билган, шеърлар битган. Ғазнавий жуда кўп китобларни тўплаган". Бундан кўринадики, у ўқимишли ва маърифатли шахс бўлган. Надоматлар бўлсинки, шу пайтгача яратилган ҳам илмий, ҳам бадиий асарларда Маҳмуд Ғазнавий фақат золим, шафқатсиз, ижод ва илм аҳлига зулм ўтказган кимса сифатида талқин қилинган.

"Ғазнавийлар" романининг афзаллиги шундаки, унда нотўғри тарихий талқинларга барҳам берилиб, воқелик ва шахс фаолияти тўғри ёритилган. Бу, албатта, мустақиликнинг шарофатидир.

Маҳмуд Ғазнавийнинг қандай шахс эканлигини ёзувчининг у ҳақидаги фикридан эмас, воқеалар оламидаги саъй-ҳаракати ва фикр-мулоҳазасидан билиб оламиз.

Ёзувчи Ғазнавийлар сулоласининг илдизини, яъни отаси Собуктегиннинг қисмати ва давлатга келиш тарихини ҳикоя қилиш билан Султон Маҳмуд инсонийлигини асослайди.

Тарихдан маълумки, Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга қарши 17 марта юриш қилган. Романда шундан биттаси "Мўлтондаги жанг" бўлимида кенгроқ берилган. Бунда биз султоннинг маҳоратли жангчи ва саркардалигидан ташқари, босиқ, ҳар нарсага ўйлаб ёндашадиган, маслаҳат билан иш тутадиган шахс эканлигини кўрамиз. Бу ўз навбатида унинг 32 йил тахт тепасида туришини ҳам асослайди.

Ёзувчи воқеалар орқали тўғри ва доно ҳақиқатни акс эттиради.

Шоир Унсурий хусусида фақат салбий фикр юритиларди. Унинг номи тазкираларда, қадимий қўлёзмаларда тез-тез учраб туради. Мазкур романни ўқиб, кишининг кўнгли таскин топади. Саройдаги адабий муҳит, яратилган асарлар у ердаги маърифат ва маънавият чироғини ёқишда Унсурийнинг катта хизмати борлигини инкор қилолмайди. Унсурийнинг истеъдодли шахсни тез англаб олиши, уни қўллаб-қувватлаши, ижод қилишга имкон яратиб бериши ҳам бугунги кунга кўп нарса беради. Унинг шоҳга эркалиги, лекин беозорлиги, сал меъёридан ошганда тафаккур кучи билан чиқиб кетишлари ўзига яраша тушган.

Романнинг "Тақдир тақозоси" бўлими энг ёрқин саҳифалардан ҳисобланади. Унда Фирдавсий ҳаёти ҳикоя қилинади. Неча йиллардан бери шаклланган "Шоҳнома"га Маҳмуд Ғазнавийнинг муносабати кишида шубҳа туғдиради. Чунки илмли, шоир одам, дунёдаги кўзга кўринган олиму шоирларни бир жойга тўплаган, уларни моддий таъминлаган, ижод қилишга шароит яратиб берган, хазинаси лак-лак олтину жавоҳирга тўла одамни бунчалик пасткашликка бориши мантиқсиз эди. Романда шубҳали масалага аниқлик киритилган. Фирдавсийга олтин танга ўрнига кумуш танга берилишидан Маҳмуд Ғазнавий мутлақо бехабар бўлиб, буни қилган одам вазири Аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак экан. Султоннинг насл-насабини ерга уриб ёзилган хажвия Фирдавсийга тегишли бўлмай, у ғаразгўйлик маҳсули бўлиб, Абу Саҳл Муҳаммад Завзаний қаламига мансуб экан.

Эътирозга мойил ўринлар ҳам мавжуд. Хусусан, "Навбаҳор кечаси" бўлимидаги чиройли тасвирларга қарамай шоҳ балиқчи кийимида севишганларга хизмат қилиши, уларга май қуйиб бериши реал шоҳлар учун ёт ҳаракатдир. Шунингдек, баъзи бир ўринлар тасвирий баёни бадиий асардан кўра публицистикага ўхшаб қолган. Ундан кейин вазирнинг шоҳ оёғини уқалаши ҳам ҳаётий мантиққа тўғри келмайди.

Роман қўлёзмасини ўнлаб ёзувчилар, олимлар ўқиди, ўз фикри ва таҳririни киритди. Шундай қилиб, ўша давр одамларининг маърифати, ахлоқи, сиймоси ёритилган тарихий асар юзага келди десам, хато қилмаган бўламан.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

Сўзсиз сурат.

Азиз газетхонлар!

«ЧАҒОНИЁН»

ГАЗЕТАСИГА 2007 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Обуна барча почта бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" бўлинмаларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинаётир.

Бизнинг "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг 2007 йил учун обуна каталогидаги нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 484

Ташкилотлар учун —485

O'zingni anglab yet! HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г - 1355
Т: 2059
2 3 4 5 6